

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил апрель ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Поп туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг судьяси А.Кенжабаевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Д.Эргашеванинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Поп туман прокурорининг катта ёрдамчиси Г.Шарипова, судланувчи М.Нурматова, жабрланувчи М.Мамаджонованинг иштирокида, Нурматова Махсума Шерматжон қизига оид 1-1606-2302/84-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Нурматова Махсума Шерматжон қизи, 1995 йил 13 августда Чуст туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишсиз, оиласиз, 1 нафар фарзанди бор, судланмаган, Поп тумани, “Анҳор” МФЙ, 15-уй, 36-хонадонда яшайди, 2023 йил 13 мартда муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 27 мартда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчининг судга тақдим этган ўзаро ярашув ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиб, уларнинг кўрсатувларини ҳамда тарафларнинг фикрини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи томонидан М.Нурматова муқаддам жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг 2022 йил 2 августдаги қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси МЖТК 52-моддасининг 2-қисми билан маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг 2023 йил 18 февраль куни ўзи яшаб келаётган Поп тумани, “Анҳор” МФЙда жойлашган 5-уй, 36-хонадон эшиги олдида шу уйнинг 40-хонадонидан яшовчи қўшнисини М.Мамаджоновага “нима сабабдан сен мени Туркияда ёмон ишлар қилиб юрибди дединг” деган сабаб билан ўзаро гап тортишиб, қасддан М.Мамаджонованинг сочидан тортиб, соғлигини бузилишига сабабчи бўлмаган енгил шикаст етказганликда айбланган.

Поп туман СТЭБнинг 2023 йил 21 февралдаги 228/230-сонли хулосасида, М.Мамаджонованинг тан жароҳатлари – иккала лунж соҳасида шилинма кўринишида бўлиб, соғлигини бузилишига сабабчи бўлмаган енгил шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи М.Нурматова суд мажлисида, судга ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, айбига тўлиқ иқrorлиги, қилмишидан чин



кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етгани, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олгани, ўртадаги ярашувга рози эканини билдириб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи М.Мамаджонова судга ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, М.Нурматова томонидан содир этилган жиноят натижасида енгил тан жароҳати олгани, ҳозирда соғлиғи тиклангани, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ярашув тўғрисидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин, келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, М.Нурматовага оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 109-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи М.Мамаджонова ҳамда судланувчи М.Нурматованинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор фикрини эшитиб, судланувчи М.Нурматованинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қоплангани, уни судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, жабрланувчига ҳамда судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмагани, судда ўзаро ярашув ҳақида ўз ихтиёрлари билан ариза ёзиб берганликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, жабрланувчи М.Мамаджоновага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ярашув суд томонидан тасдиқланса, мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириб, М.Нурматовага нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Нурматова Махсума Шерматжон қизига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши у жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.



Нурматова Махсума Шерматжон қизига нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Етказилган зарар қоплангани инобатга олинсин.

Жиноят ишига қўшилган бир дона “DVD” диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кун ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Кенжабаев

“Аслига тўғри”

Туман судининг судьяси

А.Кенжабаев

